

01-05/23-3
27.11.2014й.



Ш.М.Мирзиёев
2014 йил 2 ноябрь

“Давархитектқурилиш” қўмитасининг кенгайтирилган хайъат йиғилиши
БАЁНИ

2014 йил 2 ноябрь

Тошкент ш.

Раислик қилувчи: Ш.М.Мирзиёев – Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Қатнашдилар: Республика вазирилик ва идоралар раҳбарлари,
“Давархитектқурилиш” қўмитасининг марказий ашарати,
қуйи тизим ташкилотлари, йирик лойиҳа институтлари,
архитектура йўналишидаги олий ўқув юртлиари раҳбарлари (рўйхаг бўйича)

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши,
Тошкент шаҳри, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари,
худудий архитектура органлари, ўқув юртлиари,
тегишли бошқарма, ташкилот ва идоралар раҳбарлари (рўйхаг бўйича)

КҮН ТАРТИБИ:

Архитектура органлари фаолиятини ривожлантириш, уларнинг моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, ходимларни моддий рағбатлантириш ва масъулиятини янада ошириш ҳамда тармоқ кадрларини тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, соҳага доир меъёрий ҳужжатлар ва стандарт талабларини такомиллаштириш масалалари тўғрисида

(Мирзиёев, Закиров, Тохтаев, Мирзаев, Турлимов, Эсанов, Ерниязов, Ғаниев, Азиев, Штейнберг, Солихўжаев, Юлдашев, Низамов, Ахмедов, Нажимов, Содиков, Магрупов, Мирзиёев)

Сўнгги йилларда шаҳар ва кишлоқ аҳоли пунктларида архитектура ва шаҳарсозлик соҳасида кескин ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Худудларда олиб борилаётган кенг қамровли бунёдкорлик ишлари натижасида уларнинг кўрклига кўрк кўпилиб, архитектура ва қурилиш ишлари ҳажми охиб бормоқда. Мисол учун, 2004 йилда қурилиш-бунёдкорлик ишларига капитал қўйилмалар ҳажми 2,7 трлн.сўмни ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб бу кўрсаткич 33 трлн.сўмга етди. Яъни, ўтган 10 йил давомида қурилиш ишлари ҳажми 12 баравар бйган. Республикаси Davlat eg'itkchiga va qurilish sohasida

Шунингдек, 2011-2014 йилларда 45 та шаҳар ва поселкларнинг бош режалари ва 61 та кишлоқ аҳоли пунктларининг батафсил режаларини тасдиқлаш (АПОР) ишлаб чиқилиб, тасдиқланган.

Kit. №

4-2663
11 20 14y

Айни вақтда эса 12 та шахар ва 29 та қишлоқ аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари (боши режиса, АПОТ) тайёрланмоқда. Хусусан, Қўқон, Наманган, Фарғона, Қарши, Жиззах, Урганч ва бошқа шу каби шаҳарларнинг бош режалари тасдиқланиб, амалга оширилмоқда.

Архитектура-шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш бўйича худудларнинг бош режасини замонавий талаблар асосида ишлаб чиқиш мақсадида йирик лойиҳа институтлари – “ТошкентбашланЛИТИ” ДУК (Тошкент ш., Тошкент в., Самарқанд в.), “УзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари, йирик шаҳарлари, шахар поселкалари ва туман марказлари) ва “Қишлоқ қурилиш лойиҳа” МЧЖ (қишлоқ аҳоли пунктлари) фаолияти йўлга қўйилиб, улар алоҳида худудлар бўйича ихтисослаштирилган. Ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларининг сифатини яхшилаш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Бироқ, архитектура органлари фаолиятида айрим камчилик ва қолюкликлар кузатилмоқда. Мисол учун, худудий архитектура органларида вакансиялар сони юқори даражада. Жумладан, Жиззах, Навоий, Наманган, Тошкент ва Фарғона вилоятларининг бош архитекторлари ҳалигача лавозимига тайинланмаган. Улар вақтинча вазифасини бажарувчи сифатида фаолият юритмоқда.

Айни вақтда жами 194 та шахар ва туман архитекторлари штати мавжуд бўлиб, бугунги кунда 22 та (Наманган в. – 5 та, Бухоро в. – 4 та, Самарқанд в. – 3 та, Фарғона в. – 3 та, Навоий в. – 2 та, Тошкент в. – 2 та, Сурхондарё – 1 та, Қорақалпоғистон Р. – 1 та, Андижон – 1 та) лавозимлар бўшдир (11%).

Бундан ташқари, 49 та (Қашқадарё в. – 10 та, Қорақалпоғистон Р. – 8 та, Жиззах в. – 7 та, Сурдарё в. – 7 та, Наманган в. – 5 та, Фарғона в. – 4 та, Бухоро в. – 3 та, Хоразм в. – 3 та ва Тошкент ш. – 1 та) туман ва шахар архитекторлари лавозимлари учун вақтинчалик вазифасини бажарувчи ходимлар қўйилган (25%).

Мазкур ҳолатлар ўз навбатида жойларда архитектура-шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш, худудларнинг комплекс қурилишини амалга ошириш, аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини тайёрлаш ва шу каби бошқа масалаларда жиддий қолюклик ва еустқашликларга йўл қўйилмоқда.

Кун тартибидagi масалаларни муҳокама қилиб, шунингдек, тегишли вазирлик, идора ва ҳокимликлар раҳбарларининг таклифларини инобатга олиб, йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Архитектура органлари фаолиятини ташкил этиш, соҳа кадрлари захирасини яратиб, бу борада мутахассислар тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, соҳага доир меъёрий ҳужжатлар ва стандарт талабларига амал қилишнинг бориши тўғрисида тегишли вазирлик, идора ва ҳокимликлар раҳбарларининг ҳисоботлари маълумот учун қабул қилинсин.

1. Мутасадди раҳбарлар фаолиятини баҳолаш бўйича:

2. Архитектура органлари фаолиятини ташкил этиш, соҳа кадрлари захирасини яратиб, бу борада мутахассислар тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, соҳага доир меъёрий ҳужжатлар ва стандарт талаблари ижросини таъминлаш бўйича тегишли вазирлик, идора ва ҳокимликлар раҳбарларининг фаолиятлари кониқарсиз деб топилсин.

3. Архитектура-шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва архитектура органлари фаолиятини ривожлантириш ишларига егарлича эътибор қаратмаганликлари ҳамда бу борада қуйидаги жиддий камчиликларга йўл қўйганликлари учун:

- “Давархитектурилиш” кўмитасининг кўйи тизим органлари билан маҳаллий ҳокимликлар фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш, уларнинг ўзаро ҳамкорликда ишлаш ва тизим учун кадрлар захирасини яратиш борасида йўл қўйган камчиликлари учун Бош вазир ўринбосари, “Давархитектурилиш” кўмитаси раиси (Закиров)га **каттик кўрсатиб ўтилсин;**

- аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини тайёрлаш ва худудий архитектура органлари фаолиятини мувофиқлаштириш борасида йўл қўйган камчиликлари учун “Давархитектурилиш” кўмитаси раисининг 1-ўринбосари (Тохтаев) **огоҳлантирилсин;**

- лойиҳа ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, лойиҳа ҳужжатларининг сифатли ишлаб чиқишини ва экспертизадан ўтказилишини таъминлаш, замонавий технологиялар ва материалларни қўллаш, нархларни шакллантириш, архитектура-шаҳарсозлик нормалар ва меъёрларга амал қилиш, меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш масалаларида йўл қўйган камчиликлари учун - “Давархитектурилиш” кўмитаси раисининг ўринбосарлари (Хошимов, Шодиев, Мирзабоев)га **хайфсан эълон қилинсин;**

- худудий архитектура органларининг моддий-техник базасини ва кадрлар таркибини мустаҳкамлаш ҳамда аҳоли пунктларининг комплекс курилишини таъминлаш борасида йўл қўйган камчиликлари учун Сирдарё (Ашурматов), Наманган (Юсупов) ва Андижон (Абдурахманов) вилоятларига **каттик кўрсатиб ўтилсин;**

- шаҳарсозлик ҳужжатларини тайёрлаш, туман (шаҳар) архитектура бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва жойларда архитектура-шаҳарсозлик меъёрларига амал қилишни таъминлаш масалаларида йўл қўйган камчиликлари учун Андижон (Неъматов) ва Наманган (Далабоев) вилоятлари бош архитекторларини эғаллаб турган **лавозимларидан озод қилиш масаласи кўриб чиқилсин;**

- аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини тайёрлаш, келишиш ва киритиш ҳамда аҳоли пунктларида шаҳарсозлик нормаларига амал қилишини таъминлашда йўл қўйган камчиликлари учун Сирдарё вилояти бош архитектори (Ниязов)га **хайфсан эълон қилинсин** ҳамда келгусида яна шу каби ҳолатларга йўл қўйилса, эғаллаб турган лавозимдан озод қилиш масаласи кўриб чиқилиши **белгилаб қўйилсин.**

“Давархитектурилиш” кўмитасининг навбатдан ташқари хайъат йиғилишида худудий архитектура органларининг иш фойяти ва кадрлар захираси масаласи танқидий кўриб чиқилиб, бу борада тегишли чоралар белгилансин.

4. Бош вазир ўринбосари (Закиров), “Давархитектурилиш” кўмитаси (Тохтаев) тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда **беш кун муддатда** кўмитанинг марказий аппарати, барча кўйи тизим ташкилотлари ва бош лойиҳа институтларининг раҳбарлари ва мутахассисларини аттестациядан ўтказиш бўйича **режа-график ва зарурий ҳужжатларни ишлаб чиқиб**, шу асосда ўриштирилган тартибда бу борадаги ишларни ташкиллаштирсинлар.

II. Архитектура органларининг кадрлар салоҳиятини ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича:

5. Андижон (Абдурахманов) ва Наманган (Юсупов) вилоятлари ҳокимликлари **бир ҳафта муддатда** вилоят бош архитектори лавозими учун салоҳиятли кадрлар орасидан номзодларни ташлаб, “Давархитектурилиш” кўмитаси (Тохтаев) билан келишган ҳолда, **Вазирлар Маҳкамасига киритсин.**

Жиззах (Исмаилов), Навоий (Гурдимов), Фаргона (Ғаниев) ва Тошкент (Усмонов) вилоятлари хокимликлари **бир ҳафта мўддада** вилоят бош архитектори **вазифасини бажарувчи** сифатида ишлаётган **кадрлар** (Маматов, Курбанов, Маҳкамов, Муслимов) фаолиятини таҳлил қилиб, уларнинг салоҳиятларини лавозимга тайинлаш бўйича ҳамда талабга жавоб бермайдиганлари ўрнига эса бошқа номзодларни аниқлаб, “Давархитектқурилиш” кўмитаси (Тохтаев) билан келишган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасига **таклиф киритсинлар**.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Янгибоев), Тошкент шаҳри (Усмонов) ва вилоятлар хокимликлари **бир ҳафта мўддада**:

- туман (шаҳар) бош архитекторлик лавозимлари бўйича **70 та (22 та – вақтинча, 48 та – вақтинча вазифасини бажарувчи) бун ўринлари** бўйича салоҳиятли архитекторлар орасидан муносиб номзодларни аниқлаб, “Давархитектқурилиш” кўмитаси (Тохтаев) билан келишган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасига **таклиф киритсинлар**;

- “Давархитектқурилиш” кўмитаси билан биргаликда барча вилоят, шаҳар ва туман бош архитекторлари лавозими бўйича тажрибали архитектор-мутахассислардан иборат таркибдаги салоҳиятли кадрлар захирасини (*ҳар бир ўрин учун камида 3 тасдан*) яратиб, **биргаликда тасдиқласинлар**.

Хусусан, кадрларни танлаш, тавсия этиш ва уларнинг захирасини яратинда “Давархитектқурилиш” кўмитаси марказий аппаратида, қуйи тизим ташкилотларида, 31 та бош лойиҳа институтлари, худудлардаги 756 та лойиҳа ташкилотларида, архитектура-қурилиш соҳасида кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юрғларида ишлаётган тажрибали ва малакали мутахассислар, шунингдек, олий ўқув юрғларининг салоҳиятли битирувчи ёш кадрларига **алоҳида эътибор қаратилсин**.

7. “Давархитектқурилиш” кўмитаси (Тохтаев), Молия вазирлиги (Юсупов, Кўчқоров), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев, Турдиев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, хокимликлар ва бошқа тегишли вазирлик (идора)лар билан биргаликда **ўн кун мўддада** архитектура органларининг тузилмасини такомиллаштириш, моддий-техника таъминотини яхшилаш, архитекторларнинг малакасини ошириш ва масъулиятини кучайтириш ҳамда архитектура-шаҳарсозлик фаолиятини янада ривожлантириш масалалари бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсинлар. Хусусан, булда қуйидаги масалаларга **алоҳида эътибор қаратилсин**:

- архитекторларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни рағбатлантириш бўйича нормативларни белгилаш;
- архитектура органлари учун зарурий жиҳозлар, офис мебеллари, компьютер техникалари ва ахборот-коммуникация воситаларини тўлиқ хатловдан ўтказиб, уларни янгиллаш ва замонавийларга алмаштириш (*алоҳида нормаларни ишлаб чиққан ҳолда*);
- зарурий канцелярия товарлари ва идора моллари билан таъминлаш, коммунал, алоқа, транспорт ва хизмат сафари тўловлари учун маблағлар билан таъминлаш (*алоҳида нормаларни ишлаб чиққан ҳолда*);
- уй-жойга эҳтиёжманд архитекторларни қўллаб-қувватлаш ва уларга тегишли шaroитлар яратиб бериш мақсадида, уларни турар жойлар билан, жумладан ўзлари лойиҳалаштирган уйлар ҳисобидан, квартиралар ажратиб бериш;
- кўмига қошида архитектура органларининг фаолиятини ривожлантириш, архитекторларни моддий рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш ва малакасини ошириш бўйича махсус жамғарма тузиш.

8. Худудларда архитектура-қурилиш ишларининг ҳажми ортаниши, архитектура органларига қўйилаётган маъсулнинг ва вазифаларнинг ортаёқтанлиги инобатга олиб, шунингдек, худудларни режалаштириш ва ривожлантириш бўйича энг мақбул меъморий ечимларни қўллаш ҳамда архитектура-шахарсозлик фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликлари, "Давархитектқурилиш" кўмитаси (Тохтаев), Молия вазирлиги (Юсупов) ва Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев)нинг:

- худудларда (*вилоят, шаҳар, туман*) архитектура-шахарсозлик кенгашларини қайтадан тузиш (*кенгаш раиси – ҳоким, раис ўринбосари – бош архитектор, ишчи орган – архитектура ва қурилиш бош бошқармаси/бўлими*) тўғрисидаги;

- архитектура-шахарсозлик масалалари бўйича кенг қўламли хизматларини кўрсатиш, лойиҳалар тайёрлаш, муҳокама қилиш, ўқув-семинарлар ташкил этиш ва бошқа шу каби хизматлар кўрсатиш (*тулли тўлов асосда*) бўйича "Шахарсозлик ва қурилиш индустриясини ривожлантириш марказлари" ташкил этиш тўғрисидаги **таклифлари маъқуллансин.**

8.1. "Давархитектқурилиш" кўмитаси (Тохтаев) тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда **бир ҳафта мuddатда** худудий Архитектура-шахарсозлик кенгашлари ва "Шахарсозлик ва қурилиш индустриясини ривожлантириш марказлари"нинг намунавий низомларини ишлаб чиқиб, шу асосда уларнинг фаолиятини ташкил этиш учун тadbик эгенилар.

8.2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликлари **ўн кун мuddатда:**

- "Шахарсозлик ва қурилиш индустриясини ривожлантириш марказлари" ни барча зарурий жиҳоз ва ускуналар билан таъминлаш ҳамда уларнинг самарали фаолият юритишини ташкил этиш;

- худудий Архитектура-шахарсозлик кенгашининг барча муҳокама, семинар ва бошқа тadbирлари ҳамда маҳаллий қорхоналар томонидан ишлаб чиқарилган замонавий қурилиш материалларининг кўرғазмаларини мазкур марказларда ташкиллаштириб бориш бўйича чора-тadbирлар режасини ишлаб чиқиб, **амалга оширсинлар.**

9. Давлат рақобат кўмитаси (Хидоятгов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликлар билан биргаликда **бир ой мuddатда:**

- Қорақалпоғистон Республикаси "Давархитектқурилиш" кўмитаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар архитектура, ДАҚН, давлат экспертизаси ва тендер-консалтнинг марказларини ҳамда "Шахарсозлик ва қурилиш индустриясини ривожлантириш марказлари" битта бинога жойлаштириш учун барча зарурий шaroитларга эга бўлган **алоҳида бинолар ажратиш;**

- туман ва шаҳар архитектура бўлиmlари жойлашган биноларнинг ахволини ўрганиб чиқиб, уларни ҳам қулай шaroитта эга бўлган биноларга **жойлаштириш масаласини ҳал этсинлар.**

10. Молия вазирлиги (Юсупов, Абдуллаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари, Марказий банк (Мустафоев), "Давархитектқурилиш" кўмитаси (Тохтаев) ва тижорат банклари билан биргаликда худудий архитектура органларига автoтранспoрт воситаларини харид қилиш учун (*жумладан кредит ва лизинг асосида*) зарурий миқдордаги маблағларни **ажратсинлар** (*маҳаллий бюджет даромадлари прогнoзининг орттириб бажарилган қисми ҳисобидан*) ҳамда кейинчалик мазкур транспoрт воситаларига ҳокимликлар тарафлари орқали хизмат кўрсатиш масалаларини ҳал этсинлар.

“Ўзвотсаноат” АК (Жалилов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазириар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари томонидан тақдим этилган буюртмалар ва амалга оширилган тўловлар асосида ҳулуудий архитектура органларига автотранспорт воситаларини **график асосида** ўрнатилган тартибда етказиб бериш таъминлансин.

11. “Давархитектқурилиш” кўмитаси (Тохтаев), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Юсупов, Кўчқоров) **бир ой мuddатда** “Давархитектқурилиш” кўмитаси ва унинг қуёи тизим бўғинларининг тузилмаси ва фаолиятини ҳамда асосий функция ва вазифаларини бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда танқидий кўриб чиқиб, уларни такомиллаштириш бўёича таклифлар тайёрласинлар.

III. Архитекторларнинг малкасини ошириш ҳамда бу борада етакчи хорижий мамлакатлар билан тажриба алмашишни йўлга қўйиш бўёича

12. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Вахобов), “Давархитектқурилиш” кўмитаси (Тохтаев, Хошимов), тегишли вазирлик, идора ва ҳокимликлар билан биргаликда Тошкент архитектура-қурилиш институти базасида архитекторларни қайта тайёрлаш ҳамда замонавий технологиялар, биноларда энергия самарадорлиги ва муқобил энергиядан фойдаланиш каби йўналишларида уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бўёича **ҳар йил 1 декабрга қадар** келгуси йил учун **алоҳида дастур ишлаб чиқиб, амалга оширсинлар.**

13. Ташки ишлар вазирлиги (Қурманов), ТИАИСВ (Эргашев), “Давархитект-қурилиш” кўмитаси (Тохтаев), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Вахобов) ва бошқа тегишли вазирлик (идора)лар билан биргаликда ўрнатилган тартибда:

- чет давлатлардаги, хусусан, Хитой ва Кореядаги архитектура-қурилиш йўналишидаги етакчи олий ўқув юртлари, лойиҳа институтлари ва марказлар билан **ҳамкорлик алоқаларини ўрнатсинлар;**

- ҳамкорлик алоқалири ўрнатилган хорижий ўқув юртлари, лойиҳа институтлари ва марказларга салоҳиятли архитекторларнинг малакасини ошириш ва тажриба алманиш учун хизмат сафарларига юбориш, шунингдек, хорижлик етакчи мутахассисларни таклиф қилиб, улар иштирокида “махорат дарслари”ни ташкил этишни йўлга қўйсинлар.

Шунингдек, **ҳар йил 1 декабрга қадар** келгуси йилда етакчи давлатлар, хусусан, **Хитой ва Кореянинг** ўқув юртлари, лойиҳа институтлари ва марказларга салоҳиятли архитекторларнинг малакасини ошириш ва тажриба алманиш учун хизмат сафарларига юбориш, шунингдек, хорижлик етакчи мутахассисларни таклиф қилиб, улар иштирокида “махорат дарслари”ни ташкил этиш бўёича **йиллик дастурлар ишлаб чиқиб, амалга оширсинлар.**

IV. Архитектура соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини яхшилаш бўёича:

14. Ўрта махсус касб-ҳунар таълим маркази (Салимов), “Давархитектқурилиш” кўмитаси (Тохтаев), Тошкент (Низомов) ва Самарқанд (Ахмедов) архитектура-қурилиш институтлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазириар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда **ўн кун мuddатда** қурилиш соҳасидаги **115 та коллежлар** орасидан ҳар бир ҳулууда иккита-учта энг яхши коллежларни ташлаб, уларни бўлажак **архитекторларни тайёрлашга ихтисослаштириш бўёича таклиф тайёрласинлар.** Шунингдек, бунда қўйилганларга алоҳида **эътибор қаратилсин:**

- ташлаб олинган коллежларни архитектура-қурилиш соҳаси бўёича олий ўқув юртлари ва йирик лойиҳа институтларига бириктириб, уларни бўлажак архитекторларни тайёрлайдиган базавий коллежларга айлантириб, уларнинг ўқувчиларини архитектура институтларининг бўлажак талабалари сифатида тарбиялаш;

- ташлаб олинган коллежларни ихтисослаштириш учун уларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар таркибини мустаҳкамлаш, энг замонавий ўқув лаборатория жихозлари, ва ускуналар билан жихозлаш;

- ташлаб олинган коллежларга энг илгор ва тажрибали ўқитувчиларни, шу жумладан олий ўқув юртлари ва лойиҳа институтларидан жалб этиш;

- ўқувчиларнинг замонавий архитектура-шахарсозлик ютуқлари ва тажрибалари билан таништириш учун хорижий давлатларнинг, хусусан, Хитой ва Кореянинг етакчи мутахассислари иштирокида ўқув-семинарлари ва кўрғазма машғулотлари ташкил этиш;

- бундан ташқари, қолган қурилиш соҳаси коллежларида ҳам икстидорли ўқувчиларидан иборат таркибда махсус гуруҳлар ташкил этиб, уларни ҳам мақсадли равишда архитектура институтларига талаба сифатида тайёрлаш бўёича махсус ўқув дастурини ишлаб чиқиб;

- мазкур ташлаб олинган коллежлар ва махсус ташкил қилинган гуруҳлар учун ихтисослик фанлари ва ўқув машғулотлари тематикаси ва юктамаларини кўлайитириш.

15. Иқтисодиёт вазирлиги (Турдиев), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Вахобов), Молия вазирлиги (Юсупов, Кўчқоров) ва “Давархитектқурилиш” кўмитаси (Тохтаев) билан биргаликда олий ўқув юртларида архитектура ва қурилиш соҳаси кадрларини тайёрлаш масаласини қайта кўриб чиқиб, **2015 ўқув йилидан бошлаб** архитектура ва қурилиш мутахассисликлари қабул квоталарини **кўпайтиришга эътибор қаратсинлар.**

16. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Вахобов) архитектура ва қурилиш соҳасидаги олий ўқув юртлари ва илмий-текшириш институтларида илмий ходимларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва уларнинг илмий иш мавзуларини бевосита амалиёт билан боғлаган ҳолда **олиб борилиши таъминлансин.**

Бунинг учун **мунтазам равишда** илмий иш мавзулари ва тематик режаларини “Давархитектқурилиш” кўмитаси ва йирик лойиҳа институтлари билан биргаликда ишлаб чиқиб, **ташдиқлаш таъминлансин.**

V. Қурилиш материаллари ва жихозларининг сифатини ошириш ва белгиланган нормаларга мос келишини таъминлаш бўёича:

17. Қурилиш материалларининг сифатини ошириш ва белгиланган нормаларга мос келишини таъминлаш мақсадида, Давархитектқурилиш кўмитаси (Тохтаев, Шодиев) ва “Ўзстандарт” агентлиги (Қурбанов) билан биргаликда **бир ой мuddатда:**

- қурилиш материаллари ва уларни синашга бўлган амалдаги стандарт талабларини халқаро нормалардан келиб чиқиб, жумладан энергия ва ресурсларни тежаш талабларини инобатга олган ҳолда **қайта кўриб чиқсинлар;**

- синов лабораторияларини замонавий жихозлар билан таъминлаш ҳамда маҳсулотларни синаш жараёнида халқаро методларини амалиётга тадбиқ этиш бўёича **чора-тадбирлар ишлаб чиқсинлар.**

18. “Ўзстандарт” агентлиги (Қурбанов) ўн кун мuddатда агентлик хузурида халқаро талабларга жавоб берадиган қурилиш материалларини синаш арбитраж лабораториясини ташкил этиш бўйича таклиф тайёрласини.

19. “Давархитектқурилиш” қўмитаси (Тохтаев, Шодиев) ва “Ўзстандарт” агентлиги (Қурбанов) тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда қурилиш материаллари ва жиҳозларини, шунингдек, бино-ишоотларнинг энергия истеъмолини сертификатлаш ва давлат назорати функцияларини ажратилиш масаласини кўриб чиқиб, бир ой мuddатда асосланган таклифлар тайёрласинлар.

VI. Архитектура-қурилиш соҳасида қўлланилаётган меёр ва талабларни такомиллаштириш ҳамда лойиҳа ишларининг сифатини ошириш бўйича:

20. “Давархитектқурилиш” қўмитаси (Тохтаев, Хошимов, Шодиев, Мирзабоев) тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда амалдаги шаҳарсозлик ва архитектура-қурилиш меёрлари ва нормалари (*ШНК, КМК, СНИП ва б.*) ҳамда бошқа тегишли хужжатларни икки ой мuddатда тўлиқ хатловдан ўтказиб, **режа-график асосида** уларга замонавий талаблар асосида қўшимча ва ўзгартiriшлар киритиш, зарурий ҳолларда эса янгидан ишлаб чиқишни таъминласинлар.

21. Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев, Ниязходжаев), Молия вазирлиги (Юсупов), “Давархитектқурилиш” қўмитаси (Тохтаев, Хошимов, Шодиев, Мирзабоев) ва бошқа тегишли вазирлик (идора)лар билан биргаликда икки хафта мuddатда қуйидаги масалалар бўйича таклифлар тайёрласинлар:

- объектларнинг лойиҳа-қидирув ишлари учун ҳақ тўлаш миқдорини анқлаш, белгилаш ва амалга оширилган ишлар ҳажмига қараб тўлаб бориш тизимини такомиллаштириш;

- объектларни лойиҳалаштириш ва қуриш мuddатлари бўйича амалдаги норма ва талабларни танқидий кўриб чиқиб, уларни мақбуллаштириш;

- объектларни фойдаланишга қабул қилиш нормалари ва унга қўйиладиган талаблар, далолатномаларни тузиш ва келишиш масалаларини танқидий кўриб чиқиб, ушбу тизимни такомиллаштириш;

- “Давархитектқурилиш” қўмитасининг марказий синов лабораторияси ҳолатини ўрганиб чиқиб, уни бино ва замонавий синов жиҳозлар билан таъминлаш;

- шаҳарсозлик ва лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқишда иқтисодий ва энерготехамкор материаллар ва технологияларни қўллаш, самарали меъморий ечимларни жорий этиш ва молиявий-иқтисодий жиҳатдан энг мақбул вариантларни таклиф этишни таъминлаганлик учун лойиҳачиларни рабағлантiriш;

- марказлашган маблағлар ҳисобидан иқтисомий соҳа объектларини қуриш ва реконструкция қилишда энерготехамкор материаллар ва технологияларни қўллаш;

- тақдим этилган шаҳарсозлик ва лойиҳа-смета хужжатларини экспертизадан ўтказишда иқтисодий ва энерготехамкор материаллар ва технологияларни қўллаш, самарали меъморий ечимларни жорий этиш ва молиявий-иқтисодий жиҳатдан энг мақбул вариантларнинг қабул қилинишини таъминлаганлик учун экспертиза органиларини рабағлантiriш;

- амалдаги қурилиш меёрлари ва нормалари (*ШНК, КМК, СНИП ва б.*) ҳамда бошқа хужжатларга, қўшимча ва ўзгартiriшлар киритиш ҳамда янгидан ишлаб чиқишни учун зарурий маблағларни ажратилиш ва ушбу ишларнинг молиялаштирилишини таъминлаш.

22. “Давархитекстуриллиш” кўмитаси (Тохтаев, Хошимов, Шодиев) қурилиш ишларига замонавий, энерготехамкор, энергия самарадор, экологик, иқтисодий-молиявий мақбул, сифатли ва оптимал ечим ва технологияларни қўллаш – лойиҳа институтлари ва ташкилотлари фаолиятининг асосий устувор вазифаларидан бири сифатида белгилаб қўйилсин. Шунингдек, мазкур масалалар лицензия шартномасининг асосий шarti сифатида киритилсин.

23. “Давархитекстуриллиш” кўмитаси (Тохтаев), Иқтисодиёт вазирлиги (Хўжаев), Молия вазирлиги (Юсулов) ва бош лойиҳа институтлари раҳбарлари:

- лойиҳа ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш, мувофиқлаштириш, мавжуд муаммоларни муҳокама қилиб ва хал этиб боришни таъминлаш мақсадида устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган 31 та бош лойиҳа институтларининг Директорлар кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги **таклифлари маъқулансини;**

- **Ҳн хафта мuddатда** устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган 31 та бош лойиҳа институтларининг Директорлар кенгаши таркибини шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини ташкиллаштириш бўйича тегишли **чоралар кўрилсин.**

24. Бош вазир ўринбосари (Закиров), “Давархитекстуриллиш” кўмитаси (Тохтаев) тегишли вазирлик, идора, ҳокимлик, буюртмачи ва лойиҳачи ташкилотлар билан биргаликда лойиҳа-қидирув ишлари учун буюртмачиларнинг 31 та бош лойиҳа институтлари (*устав жамғармасида давлат улуши мавжуд бўлган*) оидидаги дебитор қардорликларни тўлиқ хатловдан ўтказиб, уларни **31 декабрга қалар** тўлиқ ундириши бўйича **зарурий чоралар кўрсинлар.**

VII. Архитектура-қурилиш соҳасига замонавий технологияларни қўлдан ва ахборот-коммуникация тизимларини жорий этишни кенгайтириш бўйича:

25. “Давархитекстуриллиш” кўмитаси (Тохтаев) ва Молия вазирлиги (Юсулов, Кўчқоров) **Ҳн кун мuddатда:**

- лойиҳалаштириш ва қурилиш ишлари бўйича янги меъёрларни яратиш ва жорий этиш мақсадида, кўмига хузурида “Шаҳарсозлик соҳасида норматив-техник базани ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш маркази”ни ташкил этиш бўйича;

- Олий ва Ўрта махус таълим вазирлиги (Ваҳобов) ва Иқтисодиёт вазирлиги (Ниязходжаев, Турдиев) билан биргаликда архитектура-қурилиш соҳасида инновацион технологиялари жорий этиш мақсадида, Кўмига хузурида “Архитектура ва қурилишда инновацион технологиялар маркази”ни ташкил этиш бўйича;

- Давлат алоқа кўмитаси (Мирзахидов) билан биргаликда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш мақсадида “Давархитекстуриллиш” кўмига таркибида махус тузилмани ташкил этиш бўйича **таклиф тайёрласинлар.**

26. “Давархитекстуриллиш” кўмитаси (Тохтаев) тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда **Ҳн кун мuddатда** 31 та лойиҳа институтларининг (*устав жамғармасида давлат улуши мавжуд бўлган*) бюджет олдидаги мuddати ўтган қарзларини ҳамда уларга ҳисобланган жарима ва устамаларни **хатловдан ўтказиб**, зарурий ҳисоб-китоб ва ҳужжатларни белгиланган тартибда қуриб чиқиш учун Мuddати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика Комиссиясига **тақдим этсинлар.**

27. Мазкур йитилиш баёни топириқлари ижросини таъминлаш Бош вазирини ўринбосари Б.И.Закиров ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи ашарати бошқарувчиси С.Х.Бекенов зиммаларига юклатилсин.